



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2020 йил декабрь

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2020 йил декабрь ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
А.С.Сагдуллаев	А.Асқаров
С.С.Ғуломов	Д.Ю.Юсупова
Ф.Г.Назиров	А.Х.Саидов
Р.Д.Курбанов	Т.Ў.Арипова
М.Ҳ.Рустамбоев	Қ.Р.Аллаев
Ш.Т.Қудратхўжаев	С.М.Туробжонов
Н.А.Ҳусанов	И.С.Саифназаров
	Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

МУНДАРИЖА

Иқтисод

З.Р.СОДИҚОВ. Миллий иқтисодиётда ташқи савдонинг ўзига хос аспектлари.....	5-14
Т.Н.ПАРДАЕВ, О.О.ХАМИДОВ. Ташқи савдода яширин иқтисодиётни камайтиришда божхона органларининг тутган ўрни.....	15-23
Ў.П.ЖИЯНОВ. Жаҳон иқтисодиётида худудий иқтисодий интеграциянинг роли.....	24-34
Н.Қ.ДЖУЛИБЕКОВ. Кон-металлургия саноат корхоналарининг ривожланиш босқичлари ва уларни солиққа тортишнинг объектив зарурати.....	35-50

Юридик

О.Х.НАРЗУЛЛАЕВ. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асослари.....	51-61
О.А.ЮЛДАШЕВ. Ўзбекистон сайлов тизимининг ҳуқуқий тамойиллари.....	62-77
З.С.ЖУМАНОВ. Ички ишлар органларининг тиббий-санитария тизимини такомиллаштириш истиқболлари.....	78-87

Филология

Ҳ.ҲАМРОЕВА. Ўзбек миллий рақс санъати: либос ва тақинчоқлар терминологияси.....	88-97
Д.А.РУСТАМОВ. Интернет мулоқот жанрлари.....	99-112
Н.Н.РАМАЗОНОВ. Ҳуқуқ ва адабиёт: ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ таълимида фанлараро янги йўналиш.....	113-124
Р.С.ТУЛАБОЕВА. Худойберди Тўхтабоев романларининг ўзига хос хусусиятлари.....	125-139
Г.Я.ГУЛЯМОВА. Юридик тилнинг мукамал луғати.....	140-149
Д.Т.РАСУЛМУХАМЕДОВА. Ўзбек адабиётида Амир Темур сиймосини яратиш масаласи.....	150-156
У.Р.ПУЛАТОВА. О формировании письменной речи студентов-юристов.....	157-163
П.Б.ТАШХОДЖАЕВА, К.Х.АВИЛОВА. Бадиий матн таржимасида маданият тушунчаси дискурсининг шаклланиши стратегиялари.....	164-176
Р.Б.МАТЕНОВ. О варинатности языковых норм в формировании культуры речи будущих юристов.....	177-184
У.НОРМАТОВ. “Қиронхон” достонининг поэтикаси хусусида.....	185-193

С.МАХСУМОВА. Таҳририятлар менежменти — мақсад, шакл ва ташкилий жиҳатлари.....	194-203
М.Б.САЙДАЛИЕВА. Интертекстуаллик ва прецедент номлар.....	204-211
Ж.З.ТУРДИЕВ. “Меърожнома” асарининг париш нусхаси ва унинг матн компонентлари.....	212-220
Д.Т.САГАТОВ. Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.....	221-228

Фалсафа

Ф.Д.МУЗАФФАРОВ. Имом Ғазолий рационализи ва билиш назариясининг ўзига хослиги.....	229-238
М.А.МАТНАЗАРОВА. Глобаллашув жараёнида миллатлараро муносабатлар ва этномаданий жараёнлар.....	239-246

Техника

Б.М.ХУДАЯРОВ. Дискдан улоқтирилаётган минерал ўғитларнинг бошланғич тезлигини ошириш усули ва унинг техник ечими.....	247-258
А.Н.БОРОТОВ. Балиқчилик хўжаликлари учун кўк пояли озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.....	259-267
Н.А.АШУРОВ. Лалми ерларда ғаллани йиғиштиришда комбайнлар учун сомон йиғиштириш мосламасини ишлаб чиқишнинг долзарблиги.....	268-276
Ш.Ҳ.ГАППАРОВ. Чорвачилик хўжаликлари учун прессланган озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш.....	277-283

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2020 йил, декабрь сони**

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

**ЛАЛМИ ЕРЛАРДА ҒАЛЛАНИ ЙИҒИШТИРИШДА КОМБАЙНЛАР
УЧУН СОМОН ЙИҒИШТИРИШ МОСЛАМАСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Нурали Абдужалилович АШУРОВ

Ассистент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

Тошкент, Ўзбекистон

ashurovnurali@mail.ru

Аннотация

Мақолада лалми ерларда ғалла йиғиштирилгандан сўнг сомонни йиғиштириш учун мавжуд усуллар таҳлил этилган, ушбу ўрим усулини амалга ошириш учун ғалла комбайнларига сомонни йиғиштириб, катта хажмли тиркамаларга юклаб кетадиган мосламани ишлаб чиқишнинг долзарблиги баён этилган.

Таянч сўзлар: лалми ерлар, ғалла, сомон, йиғиштириш усули, комбайн, мослама.

**АКТУАЛЬНОСТЬ РАЗРАБОТКИ СОЛОМОУБОРОЧНОГО
ПРИСПОСОБЛЕНИЯ ДЛЯ ЗЕРНОУБОРОЧНЫХ КОМБАЙНОВ ПРИ
УБОРКЕ ЗЕРНОВЫХ НА БОГАРНЫХ ЗЕМЛЯХ**

Нурали Абдужалилович АШУРОВ

Ассистент

Ташкентский институт инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства

Ташкент, Узбекистан

ashurovnurali@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются имеющиеся способы уборки соломы после сбора урожая зерновых, излагается актуальность разработки приспособления для зерноуборочных комбайнов, для погрузки соломы на объемные прицепы.

Ключевые слова: богарные земли, зерно, солома, способ уборки, комбайн, приспособление.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида суғориладиган ерларнинг

чегараланганлигини ҳисобга олиб, келгусида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва улардан олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш кўзда тутилган. Чунки қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн. гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланиб, қолганини лалми ерлар ташкил этади. Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдонлари яна 20-25 фоизга қисқариши мумкин. Шундан келиб чиқиб, келгусида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади [1].

Ҳозирда мамлакатимизда ғалла экин майдонлари суғориладиган ерларда 1 миллион гектарга яқинни, лалми ерларда эса 200 минг гектарни ташкил этиб, бошоқли дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини муттасил ошириб бориш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистонда ғаллани йиғиштириш билан бир пайтда ғалладан бўшаган далаларни пешма-пеш шудгорлаш ҳамда ерларни такрорий экин етиштиришга тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бунинг учун эса далаларни сомондан тез ва сифатли бўшатиш талаб этилади.


Бундан ташқари Республикамизда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сони кўпайиб, ем-хашак, жумладан, дағал озуқа сифатида сомонга бўлган талаб ҳам ортиб борапти [2,3].

Ҳозирги кунда дунё амалиётида сомонни йиғиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича катта тажриба тўпланган.

Сомонни йиғиштириш технологиялари уларни амалга ошириш усулларига қараб – ғарамлаб, узлуксиз ва уюмлаб йиғиштиришга ажратилади [2; 4-8].

Ушбу технологиялар таҳлил этиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди.

Ғарамлаб йиғиштириш технологияси. Ушбу усул ғалла комбайнини ғарамлагич мослама билан бирга ишлатишга асосланган (1-расм).



1-расм. Ғаллани ўриб, сомонни ғарамлаб йиғиштириш усули

Бунда далага ғарамлаб кетилган сомонлар ғарам юклагичлар билан транспорт воситаларига юкланади. Дала ўлчамлари кичик бўлган зоналарда эса ғарам юклагичлар ўрнига КНУ-11 ва КУН-10 типидagi осма ғарам ташигичлардан фойдаланилади.

Аммо юқорида келтирилган машиналар комплекси бир қатор жиддий камчиликларга эга.

Комбайнларга ғарамлагичлар ўрнатилганда уларнинг иш унуми 15-20 фоизга камайиб кетади. Ғарамлагич тўлган пайтда дон тозалаш учун йўналтирилган ҳаво оқимининг уюрмаланиши оқибатида дон нобудгарчилиги ортади ва унинг тозаллиги ёмонлашади.

Ғарамларнинг далада бир-биридан узокда жойлашиши уларни узлуксиз тарзда қисқа муддатда йиғиштиришга имкон бермайди. Бу эса навбатдаги дала ишларининг бажарилишини ҳам кечиктириб юборади. Ғарамлар юклагичлар билан ортилаётганда сомоннинг, айниқса унинг муҳим қисми бўлган қипиғининг нобудгарчилиги катта бўлади. Ундан ташқари уларнинг тупроқ билан ифлосланиши ҳам кузатилади ва бу қорамолларнинг озиқланишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Уюмлаб йиғиштириш технологияси. Кейинги пайтларда дунё миқёсида ғалла экинлари ҳосилдорлигининг ортиши ва юқори унумли комбайнларнинг

қўлланилиб бошлаши натижасида сомонни уюмларга уюб йиғиштириш технологияси кенг қўлланила бошлади [7-8].

Бунда комбайндан чиқаётган сомон ортиқча ишловларсиз далага уюмлаб кетилади ва сўнгра зичлаб-бойлагичлар ёки йиғиб-тергичли майдалагичлар ёрдамида йиғиштириб олинади (2-расм).



2-расм. Ғаллани ўриб, сомонни зичлаб-бойлаб йиғиштириш усули


Сомон уюмларга уюб кетилганда комбайн иш унуми сезиларли равишда ортади, дон нобудгарчилиги камаяди, операторнинг комбайнни бошқариши осонлашади, комбайн конструкцияси ҳам соддалашиб, унинг ишончли ишлаши ортади. Сомонни уюмлаб йиғиштириш технологиясида ҳам кўпроқ уни тўртбурчак ёки ўрам кўринишида тойлаб йиғиштириш усули қўлланилади. Бунда зичлаб-бойлагичлардан фойдаланилади.

Сомонни уюмлаб йиғиштириш технологияси ҳосилдорлиги юқори (30 ц/га дан юқори) жойларда ва комбайнлар ёппасига ишлатилганда фойдаланиш тавсия этилади [7-8].

Аммо бу усул ҳосилдорлиги паст ва лалми ерларда қўлланилганда яхши самара бермайди.

Узлуксиз йиғиштириш технологияси. Узлуксиз (оқим) технологиясида комбайнларга ПУН-6 типигаги мосламалар ўрнатилади. Бу мосламалар комбайнларнинг орқа қисмига ўрнатилиб, улар комбайндан чиқаётган сомонни тўғридан-тўғри катта сифимли кузовга эга тиркамаларга юклаб

беради. Тиркамалар тўлгач улар тўғри фермаларга ёки сомон тўпланаётган жойларга олиб борилиб бўшатилади (3-расм).



3-расм. Галлани ўриб, сомонни бир йўла майдалаб йиғиштириш усули

Ушбу мосламалар ёрдамида сомонни бир неча хил вариантда йиғиштириб олиш мумкин:

1. майдаланган сомон ва қипиқни комбайнга тиркалган тиркамага юклаб йиғиштириш;
2. майдаланган сомон ва қипиқни ёнма-ён юрган транспорт воситасига юклаб йиғиштириш;
3. қипиқни тиркамага юклаб, сомонни эса уюмларга уюб кетиш;
4. қипиқни йиғиштириш, сомонни эса майдалаб далага сочиб кетиш.

Ғарамлаб йиғиштириш технологиясига нисбатан оқим технологияси сомонни кам нобудгарчилик билан юқори сифатда йиғиштириб олиш имконини беради. Бундан ташқари бир пайтнинг ўзида ҳам дон, ҳам сомон йиғиштирилиши ҳисобига дала навбатдаги ишларга бирданига бўшайди.

Сувли ва лалми ерларда ғалла хосилини йиғиштириб олишда асосан юртимизда Кейс-2366, Клаас Доминатор-130, Нью-Холланд ТС-5060 ва Вектор-410 комбайнларидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур комбайнлар юқори ва ўрта иш унумига эга бўлиб, уларнинг техник тавсифи қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ғалла комбайнларининг техник тавсифи

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Кейс-2366	New Holland ТС-5060	Доминатор -130
1.	Жатка русуми ва қамраш кенглиги	1010 (4,57-7,62 м)	4,5 м	С 420 (4,27 м)
2.	Янчиш аппарати тури	роторли	барабанли	барабанли
3.	Янчиш аппаратининг узунлиги ёки эни, мм	2790	1300	1060
4.	Янчиш барабанининг диаметри, мм	610	607	450
5.	Янчиш барабанининг айланишлар сони, айл/мин	530-1260	430-1070	650-1500
6.	Деканинг қамраш бурчаги, градус	360	111	117
7.	Сомонсилкитгич сони, дона	-	5	4
8.	Сомонсилкитгичнинг узунлиги, м	-	3,3	3,90
9.	Сомонсилкитгич юзаси, м ²	-	4,36	4,13
10.	Дон тозалагич тури	ҳаво-ғалвирли	ҳаво-ғалвирли	ҳаво-ғалвирли
11.	Дон тозалаш юзаси, м ²	3,82	4,12	3,0
12.	Дон бункерининг ҳажми, л	5110	5200	3200
14.	Тўлиқ қуввати, кВт (о.к.)	171 (230)	-	97 (132)

15.	Фойдали қуввати, кВт (о.к.)	160 (215)	125 (170)	92 (125)
-----	-----------------------------	-----------	-----------	----------

Комбайнларнинг техник тавсифидан кўришиб турибдики, Кейс-2366 ва ТС-5060 комбайнларининг қуввати каттароқ бўлиб, улар 215 ва 170 от кучига тенг. Доминатор-130 комбайнида эса бу кўрсаткич 125 от кучини ташкил этади.

Мазкур комбайнлар суғориладиган ерларда етиштирилган ғаллани йиғиштиришда яхши иш сифат кўрсаткичларини кўрсатяпти. Аммо лалми ерларда қўлланилганда сомонни ерга ташлаб кетиши ва ерга ташлаб кетилган сомон ҳосилдорлик паст бўлганлиги сабабли яхши уюмланмаслиги, натижада сомонни йиғиштиришда унинг кўп қисми ерда қолиб кетаётганлиги лалми ерларда ғалла етиштирадиган хўжаликларга унчалик мос келмаяпти.

Бундан ташқари лалми ерларда ҳосилдорлик кам бўлганлиги сабабли комбайнларнинг кам ғалла билан юкланиши ҳисобига уларнинг қувватидан тўла фойдаланилмайди. Шу сабабли сомонни йиғиштириш мосламасини уларга ўрнатиб ишлатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лалми ерларда ғаллани йиғиштиришда комбайнларга дон билан бирга бир йўла сомонни ҳам йиғиштириб кетадиган мосламани ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Мамаюсуф Қосим” фермер хўжалигида Кейс-2366 комбайни учун лалми ерларда ғаллани йиғиштиришда дон билан бирга сомонни ҳам йиғиштириб, катта ҳажмли тиркамаларга юклаб кетадиган мослама тайёрланди ва у Кейс-2366 комбайнига ўрнатилди (4-расм).



4-расм. Сомон йиғиштириш мосламасига эга Кейс-2366 ғалла комбайни.

Дастлабки синов натижаларига кўра, ишлаб чиқилган мослама комбайнга ўрнатилиб, лалми ерларда ғаллани йиғиштиришда фойдаланилганда дон билан бирга сомонни ҳам йиғиштириш технологик жараёнини амалга ошириш имконига эга. Бу сомонни нобуд қилмасдан йиғиштириш билан бирга комбайнлардан фойдаланиш самарасини ҳам оширади.

Ҳозирда ушбу қурилманинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853-сонли Фармони // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент: 2019. – №11. – Б 1.

2. Эшкараев У.Ч. Обоснование параметров и режимов работы барабанного подборщика с разработкой приспособления для уборки соломы в условиях поливного земледелия: Дис. канд. тех. наук. – Янгиюль: УзМЭИ, 2003. – 120 с.

3. Алижанов Д., Тожибоев Б.М. Чорвачиликда озука тайёрлаш ва сақлаш жараёнларини механизациялаштириш. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2013. – 162 б.

4. Астанакулов К.Д. Ўзбекистон шароитида кичик майдонлардаги ғаллани эрта муддатларда йиғиштиришнинг илмий-техникавий ечимлари: техн.фанлари доктори. диссертацияси. – Янгийўл: ҚХМЭИ, 2016. – 200 б.

5. Федоренко В.Ф., Соловьева Н.Ф. Технологии и технические средства для заготовки кормов/ Каталог-справочник. – Москва: Росинформагротех, 2005. – 183 с.

6. Усманов А.С. Машины для агропромышленного комплекса/ Справочное пособие. – Алма-Ата: Гнжу-Маржан, 2010. – 500 с.

7. Жалнин Э.В., Савченко А.Н. Технологии уборки зерновых комбайновыми агрегатами. – Москва: Россельхозиздат, 1985. – 256 с.

8. Серый Г.Ф., Косилов Н.И., Ярмашев Ю.Н., Русанов А.И. Зерноуборочные комбайны. – Москва: Агропромиздат, 1986. – 286 с.